

**Ўзбекистон Республикаси Судъялар олий кенгаши ҳузуридаги
Судъялар олий мактаби ва Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институти
ўртасида ўзаро ҳамкорлик тұғрисидаги
МЕМОРАНДУМ**

Ўзбекистон Республикаси Судъялар олий кенгаши ҳузуридаги Судъялар олий мактаби бир томондан ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институти иккинчи томондан (кейинги ўринларда – Томонлар деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган меъёр ва тамойилларига таянган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тұғрисида»ги, «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури тұғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 августдаги «Ички ишлар органлари бошқарув, назорат ва шахсий таркиб билан ишлашнинг самарали тизимини жорий этиш бүйича чора-тадбирлар тұғрисида»ги ПҚ-3919-сонли ва 2019 йил 6 январдаги «Судъялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судъялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тұғрисида»ги ПҚ-4096-сонли Қарорлари ҳамда кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланиб,

Томонларнинг ўз Устав ва Низомларида белгиланган мақсад ва вазифаларни изчил амалга оширилишини таъминлаш йўналишидаги ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш мақсадида,

мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларнинг тараққиётига мос ҳолда ҳамда илғор хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг ўқув дастурларини, ўқув-методик ва норматив материалларини мунтазам равишда такомиллаштириб бориш лозимлигини қўллаб-қувватлаган ҳолда,

кадрларнинг замонавий талаблар асосида касбий кўникмалари ва лаёқатларини ривожлантириб бориш тизимининг муҳимлигини ҳисобга олиб, қўйидагилар тұғрисида келишиб олдилар:

1-модда. Ҳамкорликнинг асосий йўналишлари

Томонлар кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга доир ўқув дастурларини, ўқув-методик ва норматив материалларини ишлаб чиқишида, таълим жараёнига ўқитишнинг замонавий инновацион шакл ва усулларини тадбиқ этишида, амалий ва инновацион тадқиқотларни амалга оширишида, қонунчилик ва ҳуқуқни

қўллаш амалиётини такомиллаштиришга доир илмий асосланган хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқишда яқиндан ҳамкорлик қиласди.

Бунда Томонлар қуйида келтирилган йўналишлардаги вазифаларни амалга оширадилар:

а) ҳуқуқни қўллаш амалиёти, шу жумладан суд-ҳуқуқ соҳасига оид норматив-ҳуқуқий, методик ва таҳлилий хусусиятга эга бўлган маълумотларни алмашиш;

б) ўқитишининг замонавий инновацион шакл ва усуллари, педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари асосида ўкув жараёнини самарали ташкил этиш бўйича ўзаро тажриба алмашиш;

в) қонунчиликни такомиллаштириш ва ягона ҳуқуқни қўллаш амалиётини таъминлаш бўйича ҳамкорликда илмий асосланган хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

г) таълим жараёнига ўқитишининг замонавий инновацион шакл ва усулларини тадбиқ этиш бўйича профессор-ўқитувчиларнинг малакасини оширишда ўзаро тажриба алмашиш;

д) ўкув жараёнига малакали мутахассисларни жалб қилиш;

е) Томонларнинг илмий нашрларида мақолалар чоп этиш имкониятини тақдим этиш;

ё) норматив-ҳуқуқий, методик ва таҳлилий хусусиятга эга бўлган маълумотларни алмашиш;

ж) жиноятларнинг содир этилиши сабаб ва шароитларини ўрганиш ва диагностика қилиш, шу жумладан суд-ҳуқуқ соҳаларининг муайян йўналишлари бўйича қўшма фундаментал, амалий ва инновацион илмий тадқиқотлар ўтказиш, илмий тадқиқотлар натижаларини суд, ички ишлар органлари давлат ва нодавлат ташкилотлари фаолиятига татбиқ этиш;

з) илмий-тадқиқот натижалари, жумладан, нашр этиладиган материалларнинг илмий экспертизасида иштирок этиш, уларга тақриз ва хуносалар тайёрлаш;

и) ўқитишининг замонавий инновацион шакл ва усуллари, педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда суд-ҳуқуқ соҳасига оид тайёрланган ўкув, илмий ва бошқа адабиётларни алмашиш;

к) судьялар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари иштироқида ягона суд амалиётини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг ҳамда юридик фанлар соҳасидаги долзарб муаммоларнинг ечимларига бағишлиланган конференциялар, семинарлар, давра сухбатлари ва бошқа илмий-амалий тадбирлари ташкил этиш;

л) амалий тажриба алмашиш ва мулоқот қилиш мақсадида Томонларнинг ўзаро ташрифларини ташкил этиш, ҳамкорликда стажировка ва маслаҳатлашувлар ўтказиш;

- м) АКТ соҳасида таълим жараёнига тадбиқ этилган электрон бошқарув дастурларидан фойдаланиш даражасини ўрганиш мақсадида Томонларнинг ушбу соҳа йўналишидаги мутахассислари, ўзаро фаолиятлари билан яқиндан танишиш ва ҳамкорликда лойиҳаларда ишлаш;
- н) ҳамкорликда илмий-амалий, спорт-соғломлаштириш ва маданий-маърифий тадбирларни ташкил этиш;
- о) Томонларнинг ресурслари ва инфраструктурасидан, шу жумладан ТИР, имитацион заллар ва лабораторияларидан самарали фойдаланиш.

2-модда. Ҳамкорликнинг амалга оширилиши

Томонлар мазкур Меморандумнинг 1-моддасида назарда тутилган йўналишлар бўйича ўзаро ахборот алмашадилар, ҳамкорлик масалалари бўйича ишчи учрашувлар ўtkазадилар ҳамда зарурий маслаҳатлашувларни амалга оширадилар.

Ҳамкорликни самарали амалга ошириш мақсадида Томонлар:

а) ўз вакилларидан иборат ишчи гуруҳларини тузиш;

б) ҳамкорлик йўналишларидан келиб чиқиб, Томонларнинг келишувига кўра қонун ҳужжатларига зид бўлмаган ҳамкорликнинг бошқа шаклларидан ҳам фойдаланиш мумкин.

Меморандум доирасида Томонлар тегишли қонун ҳужжатларида белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажарилишини ташкил этиш мақсадида йиллик қўшма режаларни («Йўл хариталари»ни) қабул қилишлари мумкин.

3-модда. Томонларнинг мажбуриятлари

Томонларнинг мажбуриятлари қуидагилардан иборат:

а) ушбу Меморандумда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгashi ҳузуридаги Судьялар олий мактабидан директор ўринbosарини ҳамда Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институтидан таълим муассасаси бошлигининг ўқув ишлари бўйича ўринbosарини масъул сифатида белгилаш;

б) ушбу Меморандумда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан мунтазам равишда ўзаро таҳлилий маълумотларни алмашиш тизимини йўлга қўйиш;

в) мазкур Меморандумда белгиланган вазифалар ижросига мувофиқ ҳолда ишлаб чиқиладиган йиллик қўшма режалар («Йўл хариталари»)нинг тўлақонли бажарилишини таъминлаш;

г) кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимига оид қабул қилинган янги қонун ҳужжатлари, иш фаолиятига тадбиқ

этилган ижобий тажрибаларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш мақсадида мунтазам равишда семинар-тренинглар ўтказилишини таъминлаш;

д) ўқитишининг замонавий педагогик технологиялари ҳақида ўқув семинарларини ташкил этиш;

е) ўқув дастурлари, ўқув-методик ва норматив материаллар лойиҳаларини ишлаб чиқишида услубий-амалий кўмаклашиш тизимини таъминлаш;

ё) Меморандумда белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича семинар-тренинг, давра сұхбатлари кабиларни ташкил этиш ва унда малакали мутахассислар иштирокини таъминлаш;

ж) ушбу Меморандум ёки унга мувофиқ тузилган бошқа келишувларнинг бажарилиши вақтида ҳар бир Томон бошқа Томонга тақдим этган ёки ундан қабул қилган ҳужоат, конфиденциал ахборотларни ёки бошқа маълумотларни ошкор қилмаслик.

4-модда. Молиялаштириш механизmlари

Томонлар ушбу Меморандумда назарда тутилган вазифаларни бажариш учун сарфланадиган харажатларни ўз маблағлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширадилар.

Ҳамкорлик фаолияти юзасидан алоҳида ҳолатлар бўйича Томонлар қўшимча келишув асосида ўзаро молиявий кўмаклашиш амалга оширилиши мумкин.

5-модда. Маслаҳатлашув

Томонлар Меморандумни қўллаш юзасидан ўзаро келишилган вақтларда маслаҳатлашувлар ўтказадилар.

6-модда. Ўзгартиш ва қўшимчалар

Ҳар бир томон ушбу Меморандумга ёхуд унинг бир қисмига ўзгартиш ёки қўшимча киритишни бошқа Томонга ёзма равишда таклиф этиши мумкин.

Томонлар ўзаро келишган ҳар қандай ўзгартиш ва қўшимчалар ёзма равишда Меморандумнинг ажралмас қисми ҳисобланадиган ва Томонлар белгилаган кундан бошлаб кучга кирадиган қўшимча келишув шаклида расмийлаштирилади.

Ҳар қандай ўзгартиш ва қўшимчалар уларнинг кучга киргунига қадар ушбу Меморандумдан келиб чиқсан ҳамкорлик йўналишлари ёки унга асосланган Томонларнинг мажбуриятларига таъсир этмаслиги лозим.

7-модда. Низоларни ҳал қилиш

Ушбу Меморандум қоидаларини талқин қилиш, бажариш ва құллашда Томонлар үртасида вұжудға келадиган ҳар қандай келишмовчилік ёки низолар Томонлар үртасида үзаро маслағатлашувлар ва/ёки музокаралар йўли билан дүстона равища ҳамжиҳатлик асосида ҳал қилинади.

8-модда. Меморандумнинг кучга кириши, амал қилиш ва үз кучини йүқотиши

Ушбу Меморандум имзоланған кундан бошлаб кучга киради ва беш (5) йил муддат давомида амалга қиласы.

Томонлар келишуви үзгартмаган ҳолда, ушбу муддат кейинги беш (5) йиллік муддаттаға узаяди.

Мазкур модда қоидаларидан қаттың назар, Томонларнинг бири бошқа Томонни ушбу Меморандум амал қилишини тугатиши тұғрисида бир (1) ой олдин ёзма равища хабардор қилиб, унинг амал қилинишини тугатиши мүмкін.

Юқоридагиларни тасдиқлаб, мазкур Меморандум ваколатлы имзо чекувчилар томонидан имзоланди.

Тошкент шаҳрида 2019 йил «09» сентябрь куни иккى (2) аспл нусхада давлат тилида тузилди.

Мазкур Меморандум имзоланған кундан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси
Судьялар олий кенгаши
хузуридаги Судьялар
олий мактаби директори**

 **Х.И.Исоқов**

2019 йил « » сентябрь



**Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазирлиги
Малака ошириш институти
бошлиғи, ю.ф.д., профессор**

 **Н.С.Нарматов**

2019 йил « » сентябрь

